



**Дармоной ЎРАЕВА,**  
Бухоро давлат университети профессори,  
филология фанлари доктори  
darmon.uraeva@mail.ru

**Маърифат РАЖАБОВА,**  
Бухоро давлат университети доценти,  
филология фанлари номзоди  
marifat.bakaeva@mail.ru

### АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЁТИДА ТЕЛБАЛИКНИНГ МОТИВЛАШТИРИЛИШИ

Аннотация

Мақолада Алишер Навоий ижодида телба образи ва телбалик мотивининг тасаввуфий маънодаги талқини, сифатланиши, шоирнинг ишқий ғазалларида ҳамда “Хамса” асари таркибидаги “Лайли ва Мажнун” достонида маъновий индукция ҳосил қилганлиги, поэтик ифодаланиши ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** Навоий, образ, мотив, тасаввуф, телба, телбалик, девона, жинни, савдойи, ишқ.

### МОТИВАЦИЯ БЕЗУМИЯ В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ

Аннотация

В статье рассматриваются мистическая трактовка и характеристика образа сумасшедшего и мотива безумства в теологическом смысле “тасаввуф” (тасаввуф-теологическое учение Ислама, где рассматривается безграничная любовь к Господу) в творчестве Алишера Навои, поэтическое выражение романтических стихотворений поэта входящие в состав эпоса “Хамса” на примере поэмы «Лайли и Меджнун».

**Ключевые слова:** Наваий, образ, мотив, суфизм, безумный (телба), сумасшедший (телбалик, девона, жинни), влечение (ишқ).

### MOTIVATION OF CRAZY IN ALISHER NAVOI'S CREATIVITY

Annotation

The article discusses the mystical interpretation and characterization of the image of the madman and the motive of the madman in the works of Alisher Navoi, the poetic expression of the poet's romantic poems and the epic "Layli and Majnun" in the work "Khamasa".

**Keywords:** Navoi, image, motive, mysticism, madman, madness, love.

**Кириш.** Телбалик инсоннинг мураккаб психологик ҳолатларидан бири сифатида бадий кахрамон ҳаёти мисолида мотивлаштирилиши анъанавий поэтик тажрибалардан бири бўлиб, унинг юксак намунасини улуғ ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг айрим ишқий ғазаллари қаторида “Хамса” асари таркибидаги “Лайли ва Мажнун” достонида ёрқин кузатиш мумкин.

Телбалик инсон ҳаётидаги муаммоли рухий ҳолатлардан бири сифатида ҳамма даврларда алоҳида эътиборни тортиб келган. Унинг келиб чиқиш сабабларини, ижтимоий-ҳаётий факторларини турли фанлар кесимида ўрганишга, шунингдек, у билан боғлиқ ҳолатларни адабиётда ҳам ифодалашга айрича диққат қаратилган. Айтайлик, файласуфлар телбаликни оламга муносабат шаклларида бири, рухшунослар мураккаб психологик ҳолат, социологлар ижтимоий ҳаётдаги камситилган ва эътиборга муҳтож қатлам, тиббиётчилар рухий касаллик, тасаввуфшунослар Аллоҳ ишқига эришишнинг бир кўриниши деб қарайдилар.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** А. Навоий ижодида ишқ ва жунунлик масаласи А. Қаюмов, Н. Комилов, И. Ҳаққулов, Р. Воҳидов каби олимларнинг йирик тадқиқотларида шоирнинг лирик мероси билан бирга “Лайли ва Мажнун” достони мисолида ўрганилган. Бундан ташқари, Э. Воҳидовнинг “Жунун водийсида”, Э. Очиловнинг “Мажнун – Ҳақ ошиғи”, М.

Шамсиеванинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги психологик чизгилар”, Г. Машрабованинг “Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида руҳият тасвири” каби мақолаларида ишқнинг инсон руҳиятига таъсири натижасида юзага келадиган ўзгаришлар таҳлига тортилган.

Ўзбек тилида телба, жинни, девона, тентак, савдойи, дали сўзлари кўпинча ақлдан озган кишиларга нисбатан қўлланиши боис ўзаро синонимдай туюлади. Шундай бўлса-да, уларни тўлиқ синоним (маънодош) сўзлар деб қараш қийин. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да телба сўзи икки маънода кишига: а) ақлдан озган, ақл-хушини йўқотган, девона, жинни; б) бирор нарсага, кимсага ортиқ даражада берилган; савдойи, шайдони; бир маънода маъносизликка (телба кўзлар, телба ишқ сингари), кўчма поэтик маънода жиловланмаган, асов, “кутурган”, шиддат билан пишқирган, ўзини ҳар ёққа урган нарсаларга (телба дарё, телба шамол, телба сой каби) нисбатан қўлланиши кўрсатилган [6].

Телба шахс оти, телбалик эса хатти-ҳаракат, ҳолат номидир. Телба сўзига +ларча, +лардек, +намо, +саро каби ҳолат равиши ҳосил қилувчи сўз ясовчи морфемаларнинг қўшилишидан *телбаларча, телбалардек, телбанамо, телбасаро* каби

жин, рух сўзлари билан боғлиқ ҳолда келиб вазият равишлари пайдо бўлган. Чунки телбалик инсоннинг маълум бир вазиятини, шу вазият билан

боғлиқ ҳолда бажарадиган иш-ҳаракат тарзини, ҳолатини билдириб туради.

Жинни арабча чиққан бўлиб, халқ тилида унинг “жинли”, шевада эса “жилли” каби вариантлари мавжуд. Бу сўз ақлдан озган, рухий касалликка йўлиққан; телба, савдойи кишини англатади. У кўчма маънода хаёлига келган ахлоқона ишлар, ярашмаган қилиқлар қиладиган кишига, ахлоқ ва нодонга нисбатан қўлланади. Шунингдек, у ўзини яқин олиб, эркалатиб гапирганда ёки ҳазил тариқасида “девона”, “тентак” каби маъноларда ҳам ишлатилади.

**Халқ орасида** гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан эсадиган уюрма шамолга нисбатан “жинни тўполон”, “жинни шамол” бирикмалари қўлланса, бирор-бир хатти-ҳаракати орқали эс-хушидан айирмоқ ҳолати – жинни қилмоқ, калака қилмоқ ёки расво ва дабдала қилмоқ – жиннисини чиқармоқ, турли хил нарсаларга ўчлик, қаттиқ ишқивозлик – жиннисига айланмоқ (масалан, ҳозирги тилда футбол жинниси, телефон жинниси каби) тушунчаларини англатиб келади.

**Тилимизда** жиннидан тугилган, жиннидан тарқаган бола жиннивачча, эркалаш ва ҳазил тариқасида “тентаквой”, ножўя ва ахлоқона иш; телбалик, савдойилик эса жиннилик, жаҳли қўзимоқ, ғазабланмоқ ва аччиқланмоқ **жиннилиги тутмоқ**, телба табиат кўриниш **жинниниамо**, келишмаган қилиқлар қилиб юрадиган **жиннисанги**, ақлдан озганлар, телбалар шифохонаси **жиннихона деб юритилади** [5].

**Девона** форсча телба, ақлсиз сўздан. Бу сўз, аввало, ақлдан озган, эси паст; телба, савдойига, яна Аллоҳнинг васлига етишиш умидида зикру самога берилиб, бу дунё ишларидан воз кечган суфий, дарвешсифат одамга, бундан ташқари, бирор мақсад, ҳаракатга тамоман берилиб, эс-хушидан ажралган кишига ҳамда хайр-садақа билан кун кўрувчи гадо, тиланчига нисбатан ишлатилади.

Тилимизда девона сўзининг ўзагидан аффиксация йўли билан ясалган девонавачча (девонанинг боласи, қаландарнинг, тиланчининг, гадонинг фарзанди), **ДЕВОНАВАШ** (Девонасифат, девонамонанд, девоналарга ўхшаган), **ДЕВОНАВОР** (телбаларча, девоналар каби, девоналардек), **ДЕВОНАЛИК** (Эси пастлик, жиннилик, тиланчилик) каби жумлалар мавжуд [4, 588].

**Савдойи арабча** дилгир, дилгирликка мойил; маъюс, ғамгин сўздан. Бу сўз ҳам бирор кимса, нарса дардида эс-хушидан айрилган телба кимсага нисбатан қўлланилади [6]. Ўзбек тилида бошига ишқ савдоси тушган одамни; телба, девона, жинни, тентак, ақлдан озган, бебош кимсани **галдир** [4], **дали** деб ҳам аташади [4].

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology)**. Мақолада қиёсий типологик таҳлил, комплекс таҳлил методларидан фойдаланилган

XV асрда яшаб ижод этган улўғ ўзбек шоири Алишер Навоий ижодида телба (мажнун) образи ва телбалик мотивининг ўзига хос тасаввуфий талқини кузатилади. Буюк шоир бу образ ва мотивга ўзининг айрим ишқий ғазалларида ва “Хамса” асари таркибидаги учинчи “Лайли ва Мажнун” достонида алоҳида ўрин ажратган.

“Лайли ва Мажнун” достонида асл исми Қайс бўлган йигитнинг ёр ишқидан ўртаниши уни телбалик кўйига солиши бадий ёритилган. Лекин бунда Қайснинг ишқи аслида Аллоҳга қаратилган бўлиб,

Лайли тимсолида унинг тажаллисини кўради. Шу ҳақиқий ишқ хажри, ёрдан айрилиқ азоби ошиқ йигитни телбаликка гирифтор қилади. Ишқ дарди туфайли телба (жинни, девона) ҳолатига тушиб қолган Қайсни ҳеч ким, хатто ота-онаси ҳам англай олмайди. Ҳамма уни Мажнун, яъни жинни деб атай бошлайди.

Маълумки, халқ орасида “Дали бўлмай, вали бўлмас” деган мақол кенг тарқалган. Худди шу мақолда айтилганидек, тасаввуфий руҳда фикр юритган ва ижод қилган Навоий ҳам Аллоҳнинг васлига етишиш умидида бу дунё ишларидан воз кечган дарвешсифат Мажнуннинг Лайли ишқига тамоман берилиб, эс-хушидан ажралиши орқали аста-секин олам ҳақидаги билимларга эга бўлганлигини, валийлик даражасига кўтарилганини кўрсатади. “Далидан тўғри хабар” деганларидек, Мажнуннинг ота-онаси ўлимидан тушида хабар топиши ва тушининг ўнг келишида ҳам унинг авлиёлик – Аллоҳ дўсти даражасига кўтарилган бошлаганини далиллайди.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)**. Навоий ўз ҳолатини кўпинча Мажнун ҳолати орқали ошкор этишга уринади. Шунинг учун уни жинни (мажнун) деб атайди. Чунки жинни сўзининг арабча бир маъноси руҳ дегани бўлиб, бу билан шоир ўзининг Мажнун билан руҳдош эканига ишора қилган. Қолаверса, бу сўзнинг ўзини яқин олиб, эркалатиб гапирганда ишлатилиши маълум. Ҳатто Навоий бу ҳақда ўз ғазалларида очик ёзгани ҳам кузатилади:

Ишқ аро расволиғим элга берур Мажнунни ёд,  
Ўйлаким, айлар они кўрган мени маҳзунни ёд.  
...То Навоийни жунун даштига солди ул пари,  
Ҳазл учун ҳам қилмади бир қатла ул мажнунни ёд [1].

Ёки яна:  
Қилсангиз тасвир Лайли ҳуснини ул ойдек чизинг,  
Лек Мажнунни Навоий бирла монанд айлангиз [1].

Навоий Қайснинг ҳар бир ҳолати унинг жунунига боис бўлмиш Лайлининг гўзаллиги билан боғлиқлигини тасвирлаб кўрсатади. Айниқса, Лайлининг қора сочлари йигитнинг жунуни, унинг савдойилиги тимсоли бўлганини таъкидлайди. Шундай тасвир ва талқинлар Навоийнинг севги туйғулари ифода этилган ғазалларида ҳам учрайди:

Сайд айларга жунун аҳлини бор ул икки соч,  
Ҳар бири неча тугун, ҳар тугунча неча кулоч [1].

Навоий Мажнуннинг рухий ҳолати ва кайфиятини очиб беришга уринар экан, унинг вужуди бамисоли олов билан қопланган, ёнаётган ёпиқ уйга ўхшашини таъкидлайди. Йигит изтиробларининг кўплигидан жисми бўшашиб, бемадор бемор ҳолига тушиб қолганини, ҳаракатланмоққа қўл-оёқларида холи йўқлигини билдиради. Қайс телбаларча ҳолатда ишқ даштида кезади. Бунга чора сифатида отаси уни занжирга солади. Ҳаётда ҳам телбаларни занжирлаб кўйиш ҳолати кузатилади. Бироқ бу занжир Қайс учун хурсандчилик, мушқулларнинг ечими ҳисобланади. “Лайли ва Мажнун”да ўқиймиз:

Эй силсилаи жунун аро банд!  
Бўлғил бу салосил ичра хурсанд.  
Бу қайд ила кимки шод бўлди,  
Муставжиби юз кушод бўлди [2].

Жиннилик занжирида банд бўлган, бу занжирлар ичида хурсанд бўл! Кимки бу кишан билан шод бўлса, юз кушодликка эришади.

Шунга ишора қилиб, Навоий бир ўринда:

“Ул пари кўйида мен девонани банд айлангиз, Банд-бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз”, [1] –

деб ёзса, яна бир бошқа ғазалида:

“Қайд этарда ул пари кўйида мен девонани,

Итлари занжири бирла кошки банд этсангиз”,

[1] –

деб куйлайди.

Шу ўринда Навоийнинг беш-олти яшарлигида Фаридиддун Атторнинг “Мантиқ уг-тайр” (“Қушлар мантиқи”) асарини ёд олиб, ундан парчаларни доимий пичирлаб айтиб юргани учун ота-онаси уни телбаланиб қолган гумон қилиши ёдга келади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи кейинчалик шу асар таъсирида яратган “Лисон уг-тайр” (“Қушлар тили”) асарининг охирида айтиб ўтган.

Дарҳақиқат, Навоий “Мантиқ уг-тайр” асари ғояларидан таъсирланиб, таркидунё қилиш фикрига тушган. Шу интилиш уни бир умр тарк этмагани шоир фаолиятдан маълум. Албатта, реал дунёнинг ноз-неъматларидан, тотли ва ҳузурбахш лаҳзаларидан онгли равишда ўзини тийиш, бу йўлдаги асосий рақиб – нафси енгил, “ўлмасдан бурун ўлиш” ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Бундайларни кўрган иймони султ кимсалар уларни телба деб аташи тайин. Навоий масаланинг айнан шу жиҳатларини ёритишда телба образидан фойдаланган.

Шоир ҳақиқий ишқ юзлаб оқилу фарзонани девона айлаб, расво қилганини таъкидлаб ёзади:

Ишқ айлади юз оқилу фарзонани расво,

Не айб агар қилди бу девонани расво [1].

Навоий парини “Аллоҳ”, мажнунларни эса ишқ аҳли сифатида ифодалагани кўйидаги мисра орқали янада ойдинлашади:

Ул пари мажнунлариға сад як ўлғай, эй куёш,

Чунки қилсанг зарраи беҳадду поёнингни жамъ.

[1].

Ошиқ ишқ йўлида яхши-ёмонини, ақлини садқа қилиб [1], саргум бўлиб [1], жунунга айланганига рози. У бор топган-гутганини ишқ йўлида, ўз лайливиши йўлида сарфлашга тайёр:

Ганж агар топсам мени девонаваш вайрон аро,

Айларам лайливишимга они мажнунвор харж

[1].

Шоир телба кўнгил, девона кўнгил, девонаи расво, телбаи расво, девоналиғларни ошқор қилган шайх – Санъон (1), ҳаёти шарбатини ҳижрон захри билан талх қилган ул пари (1), мажнунлиғидан кўз олдида бир паризод лаҳза-лаҳза жилва айлаши (1), ўша паризод шоирни кўнгил жинси башардин асраб охир девона қилгани (1) ҳақида ҳам гапиради.

Алишер Навоий маъшуқа образини кўпинча пари, париваш, малак тимсолида гавдалантирса, ошиқни телба қиёфасида ифода этади:

Ул париваш ишқидин, носих, мени манъ этмаким,

Телбалик вақтию ошиқлик замонидур манга.

То ўқубмен ишқ харфин дарсу такрору сабак

Вомику Фарҳоду Мажнун достонидур манга (1).

Халқда парига учраган киши ақлу ҳушидан айрилиб телбага, жин чалган жиннига, дев урган девонага айланиб қолади, деган ишонч мавжуд. Бу ҳақдаги халқона қарашларга таяниб, шоир ёзади:

Ки, эй мажнун, пари кўрдунг магарким тарки хуш эттинг,

Тақаллум қил, бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб (1).

А.Навоий телбалик ҳолатини шундай тасвирлашга уринади:

Телбалик, кўрким, кучармен боғ аро ҳар сарвни,

Бириси сарвқадди сиймбар бўлғайму деб (1)

Ёки:

Ул пари борғоч, Навоий дашт сори кўйди юз,

Телбалар янглиғ яқосин чок этиб, афғон чекиб

(1).

Яна:

Тонг йўқки кўнгул бўлса кўзунг бирла мулоиб,

Мажнунга ажаб йўқ, агар оху бирла ўйнар (1).

Шоир яна бир ғазалида телбаликни “хуштур” деб ҳисоблайди:

Телбалик хуштур, агар судрасалар

Зулфи занжирини бўйнуғма тоқиб....

Ҳажр тошино салосил теумури

Телбалик ўтини кўнглумга чоқиб (1).

Телбалик ҳузурини баён этиб, шукрона келтиради:

Жон бериб олдим жунуну ишқ то бўлдим фано,

Оллоҳ-оллоҳ, ул не хуш савдо, бу не хуш суд

эрур (1).

Телбалик – бедаво дард. Унга ҳеч бир табиб чора тополмаган. Шундан келиб чиқиб, Навоий ёзади:

Чу кўрди жунуним, табиб айтганим,

Бу девоналиғ ишқдиндур аломат (1).

Бир ғазалида Навоий бевосита табиб – ҳакимга мурожаат қилиб, ўз дарди моҳиятини уқтиришга ҳаракат қилади:

Телба деб қилма Навоийнинг иложин, эй ҳаким,

Ким мушаввашдур анга бир ўзга савдодин

димоғ (1).

Шоир ёр кўйи итларига мурожаат қилиб, агар телба кўнглимни топсангиз, тўш-тўшидин тишлабон парканд-парканд айлангиз” дейди (1).

Навоий ўз ёзганларини ул пари қасрида хомаси (қалами) нўгидин ох-ўқ келиб, шу ох ўқи бирла мажнунвор хат (1) ёзганлигини ва савод этмиш кўнгиллар илғаса, ёр васфида ёзган бор хатлари савдо аҳлига занжир эканлигини (1), Мажнун ўзига ҳампоялигини (1) алоҳида қайд этади.

Навоий телбалар кўнгли юз пора эканини (1), ул пар мажнуну саргардон экани (1) ҳақида ҳам ёзади.

Шоир телба, девона, жинни ёки жунун, мажнун, мажнунваш, девонаваш сўзларини сифатлаш ўрнида ҳам кўп қўллагани кузатилади. Масалан, у ишлатган “девона ҳажр” (1), “Жунун хатти муҳити” (1), “телба кўнгул” (1), “Мажнуну саргардон” (1), “жунун дашти” (1), “жунун арбоби” (1), “девона хусн” (1), телба ит” (1), “телба нокас рақиб” (1), “телба саргардон”, “жунун водийси”, “муҳлик жунун” (1), “телбалик узри” (1), “жунун тоши” (1), “жунун оини” (1), “жунун ифротти” (1), “телбалар ҳадиси” (1), “жунун саҳроси” (1), “чўпони Мажнун” (1) ва ҳоказо кабилар шулар жумласидандир.

Баъзи мисраларида шоир ақлу хуш аҳли билан мажнунни қаршилантириб, тазод санъатини яратишга эришади:

Телба итни демангиз мендек нединким, ор этар

Ақлу хуш аҳлини бир мажнунга монанд

этангиз (1).

Яна бир ўринда шоир девона ва соғ сўзларини ёнма-ён қўллаб, тазод санъатини вужудга келтирган:

Соғ бўл, девона этсанг мени бир май бирлаким,  
Ҳажрдин девонамен бўлдум эса бир лаҳза соғ

(1).

Навоий асарларида телбалик узри ўзига хос ифода этилган бўлиб, шоир “Навоийнинг жунунин айб қилманг, Ким, ани телбаратмиш бир париваш” (1) дейди. Ўзининг ҳар дам телбараб ғойиб бўлишини (1), “Телба кўнгли савдо даштига қочишига ғам зиндони ичра кўп қоболғони” сабаб бўлганини (1) таъкидлайди. Шоирнинг бу ҳолатини эса фақат “ақл кўйи билан англаш лозим”лигини (1) уқтиради. Ўз девонаи расволиги олдида Мажнуннинг хирадмандлигини (1) айтади.

#### Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

Алишер Навоий бадиий тафаккури маҳсули бўлган асарлари қаватларидаги маъно моҳиятни англаш учун, албатта, даҳо ижодкорнинг олам ва одам ҳақидаги қарашларидан хабардор бўлиш лозим. Жумладан, юқорида тилга олинган тушунчалар заминида ҳам қатор ғояларни тарғиб қилган шоир сўзнинг буюк қудратини кўрсата олди.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий ижодида телба образи Яратганнинг назари тушган инсон тимсолини ифодалашга хизмат қилган. Бу ҳолат поэтик анъана тусини олиб, бошқа шоирлар ижодида ҳам давом эттирилган.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Топмадим. Ўзбек адабиёти бўстони. Ғазаллар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 784 б.
2. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1990.
3. Қаюмов А. Асарлар. 1-жилд. – Т.: Мумтоз сўз, 2008. – Б.9-137.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1-жилд. А–Д. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 671 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4-жилд. Н–Тартибли. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.– 680 б.